

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 11-yanvar, payshanba

№ 01 (9269)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti\_gazetasi

## САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, МАДАНИЯТ СОҲАЛАРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 январь куни савдо ва хизматларни ривожлантириш, туризм ва маданият масканларини барпо этишга оид тақдимот билан танишди.



Бу ҳақда ўтган йили 18 декабрда бўлган видеоселектор йиғилишида топшириқлар берилган эди. Хусусан, мамлакатимизда туризм салоҳияти катта экани, уни самарали ишга солиб, туризм масканлари ва меҳмон ўринларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланган.

Тақдимотда шунга мувофиқ тайёрланган лойиҳалар кўриб чиқилди.

Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз, Тошкент вилоятининг Паркент тумани тоғлари жуда хушманзара. Айниқса, баҳор-ёз мавсумида сайёҳлар билан гавжум. Бу борадаги шароитларни кенгайтириш мақсадида Шахрисабздаги Мираки, Паркентнинг Нуробод ва Қумушқон ҳудудларида замонавий дам олиш масканларини барпо этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Қашқадарёдаги Майданак тоғ масканида енгил конструкцияли хостеллар қуриш, мавжуд биноларни савдо ва хизматларга қайта ихтисослаштириш, ҳудудни ободонлаштириш мўлжалланган.

Туристлар борадиган жойлардан бири бу – бозор. Лекин бугунги кунда айрим бозорларимиз туристлар учун жозибадор эмас, уларда миллий колорит етишмапти.

Шу босис давлатимиз раҳбари миллий маданиятимизни акс эттирган бозор мажмуалари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини қўйган эди. Тақдимотда тарихий шаҳарларимиздаги бозорларни туристлар учун жозибадор масканларга

айлантириш бўйича дастлабки лойиҳалар намойиш қилинди.

– Бозорларимизнинг ўзига хос жиҳатларини сақлаб қолган ҳолда уларни юртимизнинг “ташриф қоғози”га айлантириш керак. Озиқ-овқат, кийим-кечак, заргарлик дўконлари, ошоналар, кўнгилочар масканлар ҳаммадан бўлиши, харидорлар ва туристларни ўзига жалб қилиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада Туркия ва араб мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, лойиҳалаштиришга хорижий мутахассисларни таклиф этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

Тақдимотда Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби туризм марказларида қурилиши режалаштирилган бозорлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари уларда ҳам ҳудудий колоритни акс эттириш, туристлар учун кенроқ шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Республика Матнавийат ва маърифат кенгазининг мажлисида Тошкент давлат цирки фаолиятини яхшилаш масаласига тўхталиб ўтган эди. Бугунги тақдимотда ушбу маданият даргоҳини таъмирлаш, соҳа учун кадрлар тайёрлашда таълим ва амалиётни ўйғунлаштириш мақсадида 300 ўринли ўқув биносини барпо этиш режалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни такомиллаштириш ва сифатли қуриш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

## 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҚИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР –

## ҚАРБИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ОМИЛИ

**Юртимиз хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш бўйича амалга оширилган ислохотлар чегара билмас.**

Дарҳақиқат, давлатимиз мустақиллигини, унинг хавфсизлигини ҳар қандай ички ва ташқи таъжовулардан ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг Қуроли Кучлари тарихига қирувчи барча тузилмаларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада)

## БУХОРОЛИК МУТАХАССИС ВА ГИДРОМЕТРЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Сув ҳўжалигининг қуйи бўғинларидаги сув тақсимлаш иншоотларида фаолият олиб бораётган гидрометрлар ва бошқа соҳа мутахассислари зиммасига бир қадар масъулиятли вазифа юкланган, десак сира муболага бўлмайди.



Бу масъулиятли вазифа эса сувнинг ҳисобини тўғри юритишдан иборатдир. Соддароқ қилиб айтганимиз бўлса, катта меҳнат ва ҳаражат эъзизига сув тақсимлаш иншоотига етиб келган оби ҳаётдан оқилона фойдаланиш, адолатли тақсимлаш ва унинг сарфини назорат қилиб бориш ишларини айнан шу касб эгалари амалга оширишади.

Албатта, бир қарашда оддий кўринган бу юмуш гидрометр-мутахассислардан катта билим ва тажриба талаб этади. Шу босидан, соҳада фаолият олиб бораётган гидрометрларнинг касбий маҳоратини ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш борасидаги кўникмаларини доимий равишда мукаммаллаштириб бориш мақсадида

тизмил ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда худди шу мақсадга хизмат қиладиган амалий-ўқув тадбирлар вилоятнинг барча туманларидаги сув тақсимлаш иншоотларида бўлиб ўтмоқда. Унда тумандаги сув тақсимлаш иншоотларининг гидрометрлари, ТИБ ишчи-мутахассислари иштирок этишди. Тадбирда иштирок этган Сув ҳўжалиги вазирлигининг малакали мутахассислари гидрометрларнинг назарий ва амалий билимларини ўрганиш баробарида, уларнинг замонавий сув ўлчаш қурилмаларидан фойдаланиш борасидаги тажрибаларини ошириш мақсадида «Маҳорат дарслари» ни ҳам ташкил этишмоқда. Жумладан, гидрометрларга замонавий сув ўлча қурилмалари – вертушка, рейка ва штангалардан фойдаланиш борасида амалий ёрдам кўрсатиб, зарур тавсиялар беришяпти.

Аму-Бухоро ИТХБ матбуот хизмати

## ПАХТА ЕТИШТИРИШДА УРУҒЧИЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 9 январь куни Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги вазирлиги Алишер Шукуров раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чоратadbirlari тўғрисида” 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ-391-сон қарорини ижросига қаратилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда департамент ва бошқарма бошлиқлари, вазирлик тизим ташкилот раҳбарлари ва мутасадди ходимлар иштирок этди.

Йиғилиш аввалида, мазкур қарорда келтирилган бандлар ижросини таъминлаш, бу борада соҳада олиб борилаётган ислохотлар, юқори ҳосил-

дор хорижий гўза навлари ва дурагайларини мамлакатимизга олиб кириш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер ҳўжаликлари тасарруфидидаги пахта экиладиган майдонларга жойлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)



## “АВАТАР” НАҒАҚАТ КИНО НОМИ, БАЛКИ УЗУМ НАВИ ҲАМДИР

“Аватар” узум нави 2004 йилда АҚШнинг “International Fruit Genetics” компанияси олимлари томонидан яратилган. Хўраки узумнинг “Sweet Sapphire” ва “Moon Drops” каби номлари ҳам бор. Юқори ҳосилдорлик, доналарининг йириклиги, қанд миқдорининг юқорилиги, рангининг ўзига хослиги унинг бозорда бошқа навларга нисбатан қиммат эканини билдириб туради.

(Давоми 2-саҳифада)

## “ЖАВОҲИРОТ”

Янги йил арафасида Нафас Шодмоновнинг “Абу Райҳон Беруний” ва “Абу Муин Насафий” драмаларидан иборат “Жавоҳирот” деб номланган китоби нашрдан чиқди. Ҳар иккала асар инсоният тарихида чуқур из қолдирган, ёзган асарлари билан ҳамон халққа хизмат қилиб келаётган тарихий шахслар тўғрисида бўлиб адабиётимизда катта воқеа бўлган дейиш мумкин.

Абу Райҳон Беруний Биринчи Ренессанс даврининг буюк вакили. Улуғ алломанинг ҳаёти тўғрисида олдин ҳам қўллаб асарлар ёзилган. Аммо Абу Райҳон Берунийнинг Ғазна шаҳрида ўтган ҳаёти, Султон Маҳмуд хомийлигида яратган асарлари яна қўп марта тадқиқ этишни талаб қиладиган давр ҳисобланади.

Н.Шодмоновнинг мана шу даврдаги Беруний ҳаёти ва ижодида оид яратган янги асари жуда муваффақиятли чиққан кўринади. Драмада ҳақиқий илм йўлидаги тўсиқлар, қанчалар мураккаб курашлар китобхонга тушунарли тилда баён қилиб берилган.

Қомусий олимнинг ҳаётини ёритиш учун асар муаллифида барча фанлардан етарлича билим ва тушунарлар бўлиши талаб қилинади. Абу Райҳон Берунийнинг драмада турли соҳа вакиллари билан баҳс олиб бориши ҳодисаларини тасвирида астрономия, математика

ва бошқа табиий фанларга доир масалаларга дуч келинади. Н.Шодмоновнинг шу масалаларда етарли билимга эга эканлиги драмада кўриниб турибди.

Минг йиллар давомида ислом дини айрим вакиллари унинг Ер сайёрасининг тузилиши тўғрисида ҳар хил баҳс олиб борганлиги маълум. Драмада унинг балик ёки ҳўкиз шохи устида турганлиги масаласи ўртага қўйилади. Беруний Ернинг думалоқ эканлиги, унинг сиртини катта қисми сув билан қопланганлиги ва ўша даврда одамларга маълум қуруқлик ортида ҳали маълум бўлмаган яна шундай қуруқлик борлигини исботлаб бериш эпизоди жуда ишончли баён қилиб берилган. Коинотда сайёраларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви ва ҳаракатлини саҳнада намойиш қилинса ҳозирги кун томошабинлари учун фойдадан холи бўлмайди.

(Давоми 2-саҳифада)

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# ҲАРОБА ЖОЙДА БОҒ ЯРАТГАН АЁЛ

Шундай инсонлар борки, қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат жўш уради. Юрагида гўёки матонатли шер яшайди. Уларнинг қалби шунчалар софки, ерга гиёҳ қадаса, бегумон унади. Мақоламиз қаҳрамони ҳам ерга уруғ сочса бегумон унадиган, қалби меҳр ва эзгуликка лиммо-лим, она табиатимизни, юртимизнинг ҳар бир гиёҳи-ю, ҳар бир қарич ерининг қадрига етадиган бебаҳо инсондир.

Гулистон шаҳридаги Гулистон кўчаси, канал ён-атрофлари бир пайтлар янтоқ, ажрик, юлғун дарахтлари ва турфа бегона ўтлар билан тўла, қаровсиз бир аҳволда ётарди. Шаҳарга ўтказадиган кўприкнинг чап томони яшиллатирилиб, ўриндиқлар қўйилиб, шу ерда яшовчи аҳолининг ҳордиқ чиқаришлари учун айвончалар қўйилиб, боғ барпо қилинди. Ўнг томони эса қаровсиз ётарди. Шаҳодат Норбўтаевага шу жойларни боғ қилиш нияти тинчлик бермади. У ҳар хил дарахтлар экиш, турфа гуллардан



чаманзор яратишни хаёл қиларверди. Шундай кунларнинг бирида турмуш ўртоғини ҳам қўмакка чорлаб, ерга урса осмонга сакрайдиган ерга кетмон уриб ҳаракатни бошлаб юборди. Ҳақиқатан ҳам ер ўта қаттиқ, бегона ўтлар ҳам ерга чирмовуқдай чирмашиб кетганди. Дастлаб 2017 йилнинг баҳори-

дан бошлаб ерни бегона ўтлардан тозалаб чиқишди. Сўнгра ариқчалар қазиб, терак қаламчаларини, четларига эса мажнунтолларни экинди. Бу ташландиқ ердан боғ яратиш қийин деб, уни бу йўлдан қайтарувчилар ҳам қўп бўлди. Лекин аҳдига содиқ бўлган Ш.Норбўтаева бу фикрдан асло қайтмади.

Эзгуликка қўл урилса албатта, Аллоҳ ўзи қўлайди деганлари шу бўлса керак. Барг ёзаётган кўчатларни кўрган Шаҳодатда энди бошқа дарахтларни ҳам экиб, кўкартириш истаги пайдо бўлганди. Энди у ноёб дарахт кўчатларини эка бошлади.

(Давоми 2-саҳифада)

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР –

## ҲАРБИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СТРАТЕГИК ОМИЛИ

(Боши 1-саҳифада)

Содир бўлаётган геосиёсий жараёнлар, қитъа ва минтақада ташқи сиёсий вазиятнинг ўзгариши шубҳасиз миллий хавфсизликнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш, Қуроли Кучлар тизимини ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари бу бўйича вазифаларни бажариш, хавфсизликка таҳдидлар ва барча ўзгаришларга ўз вақтида жавоб қайтара олишга тайёр туриши лозим. Қуроли Куч давлатлараро сиёсатда муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан бирга, замонавий уруш, қуроли кураш воситалари ва ҳарбий санъат назарияси доимий равишда ривожланмоқда.

Бундай шароитларда Қуроли Кучлар доимий равишда такомиллаштириш керак. Шахсий таркиб, биринчи навбатда офицерлар корпусининг профессионал тайёргарлиги, ҳарбий санъат, қурол-яроқ ва ҳарбий техниканинг ривожланиши замонавий уруш ва ҳарбий можаролар амалиётини ҳисобга олган ҳолда бўлади. Потенциал мавжуд бўлган ҳарбий хавф барча давлатларни ундан ўзини химоя қилишга мажбур қилади. Ушбу ёндашув халқаро хавфсизлик тизимларини ва алоҳида давлатлар хавфсизлигини таъминлашда асосий манба ҳисобланади. Бинобарин, ҳарбий хавфсизлик концепциясининг генезиси жамият, давлат ва шахс учун аниқ ҳарбий таҳдидларга самарали қарши курашишни амалга ошириш зарурлигини аниқлаш билан бевоқиф бўлиб қолмайди.

Замонавий шароитда миллий хавфсизликни мамлакатнинг худудий яхлитли-

гини сақлаб қолиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммоларни суверен ҳал қилиш ва тизимнинг муштарак субъекти сифатида ҳаракат қилиш қобилиятини муштараклашувчи синергик мезон шаклида кўриб чиқиш мумкин. Миллий хавфсизликнинг объекти инсон – унинг ҳуқуқ ва эркинликлари; жамият – унинг маънавий ва моддий бойликлари; давлат – унинг конституциявий тузumi, суверенитети ва худудий яхлитлигидир. Миллий хавфсизлик кўп компонентли ва кўп босқичли тушунча. Унинг мазмуни ва тузилиши турли муаллифлар томонидан аниқликдан йироқ тарзда белгиланади. Бироқ, кўплаб нуқтаи назарлар ва фикрлар орасида шубҳасиз давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қуроли Кучлар ҳар доим маълум бир давлат сиёсий режими барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда Қуроли Кучларни ривожлантириш, ҳарбий хизматнинг жамиятдаги маъқе ва нуфузини оширишнинг барча йўналишларида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу армиянинг жанговар тайёргарлиги ва техник жиҳозланиши сифатини сезиларли даражада яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кафолатлаш, уй-жой муаммоларини тизимли равишда ҳал қилиш, халқаро ва ҳарбий ҳамкорлик доирасида армия обустини сезиларли даражада ошириш имконини бериши.

Миржалол СОДИҚОВ,  
Жамоат хавфсизлиги  
университети ўқитувчиси  
Ў.А.

## "ЖАВОҲИРОТ"

(Боши 1-саҳифада)

Марҳум юртдошимиз Луқмон Бўрихон тарихий мавзуга мурожаат қилиб "Имом Мотрудий" романини ёзган эди. Бу воқеа мамлакатимизнинг тарихий олимлари, зиёлилари томонидан юқори баҳоланган. Мана энди Н. Шодмонов Имом Мотрудий таълимотини бутун мусулмон дунёсига етказган, ўзлари ҳам жуда мазмунли асарлар ёзиб қолдирган Абу Муин Насафий ҳаёти тўғрисида драма ёзди.

ХI асрда ислом оламида турли фирқаларга бўлиниш, Қуръон оятлари ва ҳадисларни бузиб талқин қилиш авж олган кўринади. Мана шу мураккаб даврда халқни тўғри йўлга бошқариш, маънавий тарбиявий ишларни йўлга қўйишда жуда мураккаб вазият вужудга келган. Турли мазҳаблар, оқимлар ўз манфаатлари йўлида аҳоли ўртасида бузғунчилик олиб бориб асл мақсадлари бўлган ҳокимиятнинг эгаллаш эканлигини улардан яшириб келган. Айнан мана шу жамиятдаги парокандаликнинг олдини олиш учун Имом

Мотрудий таълимоти муҳим рол ўйнаган. Бу таълимотни тарғиб қилишда Абу Муин Насафий ва у кишининг сафдошлари, аллома ёзиб қолдирган асарлари ўз вақтида ҳам кейинчалик ҳам жамиятга катта фойда келтирган. Абу Муин яшаган ана шундай мураккаб давр воқеаларини "Абу Муин Насафий" драмасида ёрқин бўёқларда тасвирлаб берилган.

Абу Муиннинг Қаршидаги ҳаёти ҳам, Самарқандаги

ҳаёти ҳам хурофотга қарши кураш билан ўтади. Унинг муҳолифлари ўз мақсадларига эришиш йўлида унинг аёлини йўлдан уриш каби қабих ишлардан ҳам қайтишмайди. Ҳақиқат учун илмни қурол қилиб олган Абу Муин дарамада ҳақиқий олим сифатида намоён бўлади.

Ўқувчилар қўлига эндигина бориб тегадиган Н.Шодмоновнинг янги асари "Жавоҳирот" тўғрисида ҳали танқидчилар ўз муносабатларини билдиришар. Аммо оддий китобхон учун асар қаҳрамонлари орасида кечадиган воқеалар фақатгина тарихий маълумотларни эмас, балки жамиятда рўй берадиган турли қарама-қаршиликларни, олимлар орасидаги инсонийлик ҳислатлари ва ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги яхши тасвирлаб берилган. Абу Райхон Берунийнинг тасаввурдаги занжирбанд қиз, Абу Муин Насафийнинг хотини Ойбаланд образлари орқали муаллиф одамлар орасида ҳеч қачон эскирмайдиган қонуниятларни яна бир бор эсга солиб ўтади.

Китобни нашрдан чиқаришга ҳомийлик қилган Республика маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими жуда хайрли иш қилибди. Эндиликда "Жавоҳирот"ни ўқувчиларга етказиш, китобхонлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, драмаларни сахналаштириш ишлари тезлаштирилса, нур устига нур бўлар эди.

Ҳусниддин НУРИДИНОВ

Ёшларга соя-салқинда китоб ўқишларига имконият яратиб берганимдан кўнглим тоғдек кўтарилди

# ХАРОБА ЖОЙДА БОҒ ЯРАТГАН АЁЛ

(Боши 1-саҳифада)

Уч-тўрт йиллик меҳнатидан сўнгра ажойиб, гўзал боғ барпо бўлди. Ҳозир унинг боғида турли мева дарахтдан тортиб, сада, арча, сасна, каштан, акация дарахтигача бўй чўзиб турибди. Майда гулли, атлассимон баргли атиргулларнинг ноёб турини кўрган одам ҳақиқатан ҳам боғ эгасининг нозик дид соҳибаси эканлигига гувоҳ бўлади. Боққа юриш учун тортина йўлаклар қилиниб, икки четига анвоий гуллар экилган. Боғ кичкина бўлишига қарамадан ичига кирган одам йўлаклари тугамас катта боғдек тасаввур қилади. Тангадек офтоб тушмайдиган боғда бедана, канарейка каби турфа хил қушлар чугур-чугурашиб ётибди. Айниқса, эътиборини тортгани қатор ўриндиқларда китобхонларнинг мутолааси бўлди.

– Боғимиз салқин, хушхаво бўлганлиги учун ҳам ёш китобхонлар, абитуриентлар келиб дарс қилишади, – дейди Ш.Норбўтаева. – Мен уларнинг китоб ўқиётганлигига биринчидан ҳавас қилсам, иккинчидан шу ёшларга озгина бўлса ҳам соя-салқин



да китоб ўқишларига имконият яратиб берганимдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Тўғриси, китоб ўқиётган ёшларни кўрсам баҳри дилим очилиб кетади.

Бундан ташқари, Шаҳодат Норбўтаева бекор тургандан бекор ишла, деган мақолга амал қилган ҳолда тикувчилик билан ҳам шуғулланади. Бу билан у нафақат ўз-ўзини

иш билан таъминлайди, балки ишсиз ёш қиз-жувонларга ҳам ўзининг тикувчилик сирларини беминнат ўргатади.

Ҳа, китоб сотиб олинса-ю, фақат китоб жавонларини беэбаб турса-да ўқилмаса, бу фақирлик. Ерлар қақраб ётса-да ундан фойдаланмаслик бу ҳам фақирлик. Билими бўлса-ю уни бошқаларга ўргатмаслик, ерга кўмиб ташланганлик сингари. Аслида ҳам она еримиз, киндик қонимиз тўкилган Сирдарёимизнинг бепоеён ерларининг ҳар бир қаричини эъозлаган, хароба жойда боғ яратган инсонларга доимо таъзимдамиз. Боқимандалик ёмон иллат, афсуски шундай бўлишига қарамадан "олма пиш – оғзимга туш" дейдиганлар сон-саноксиз. Кимлардир боғ яратса, яратибди-да ўзи учун дейиши мумкин. Асло ундай эмас, ҳар битта дарахт нафақат соя беради, балки ҳавомизни тозалайди. Эзгулик қилишга ҳали ҳам кеч эмас. Шундоқ ҳам ўз мувозанатини йўқотётган атроф-оламни қутқаринг, бир донга бўлса ҳам кўчат экиб, табиатимизга ўз ҳиссангизни қўшинг, азизлар!

Хуршида НИШОНОВА

## ОЛҚИШ ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Янги йил мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили", деб номланди. Бу йилда тиббиётчилар олдида ҳам ғоят масъулиятли вазифалар турибди.



Изчил ислохотларда фаол қатнашиб келаётган саломатлик посбонлари яхши биладиларки, соғлом халқ – қудратли давлат, демакдир. Шу жиҳатдан қаралса, Ватан тараққиёти учун астойдил тер тўкаётган катта-кичикнинг саломатлигини кеча-кундуз муҳофаза қилиш, турли хасталикларнинг олдини олиш, оғир дард чекаётганларни юқори технология операциялар билан умрини узайтириш, уларни ҳаловатли ҳаётга қайтариш осон иш эмас. Даволашда қўлланган натижаларга эришиш учун тинмай ўқи-ўрганиш, малака-маҳо-

ратни ошириш зарурлигини шифокору ҳамширалар ҳеч вақт унутишмайди. Улар учун олқиш олтиндан қиммат. Боиси, ҳар бир миннатдорлигу дуо ортида дарддан халос бўлган мамнун кайфиятдаги инсонлар туришади. Ҳеч бир касб соҳиб олқиш миллионерларига айлана олмаслигини ўйлосак, шифокорнинг мартабаси улуглигини, ҳар бир ҳаракати сабога тўлиқлигини янада теранроқ ҳис қиламиз.

Бугунги шифокор маҳаллиги мутахассисгина бўлиб қолмаслиги шарт. Тиббиёт олийгоҳларини битириб, халқ халоскорлари сафига қўшилиётган йилгит-қизлар маррани балинд олишлари керак. Дунё тиббиёти ютуқларидан, янгилликларидан ўз вақтида бохабар бўлиб, уни ўз фаолиятида қўллаши шартлигини, аввал республика, кейин халқаро миқёсдаги мухтаassis мақомига кўтарилиши учун Ўзбекистонимизда барча қўлай шароитлар имкониятлар муҳайёлигини яхши билишлари лозим. Ахир улар буюк боболари Ибн Синонинг

издошлари, ворислари бўлишадик!

Ҳозирги ёшлар хоҳласалар давлат, хоҳласалар хусусий тиббиёт муассасаларида ишлашлари мумкин. Лекин шунини ҳам яхши билишлари керакки, юртимизнинг чекка-чекка худудларида ўзлари каби мутахассислар етишмайди. У ерларга бориб ишлашга жазму журъат қилишса, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланадилар. Имтиёزلардан фойдаланадилар. Энг муҳими, бошланғич бўғимда тажриба орттирадилар, даволаш малакаларини ҳосил қиладилар. Бошқача айтганда, беморларни кўриб, кўзлари пишйди, халққа яқинлиқдан ҳурмат ва қадр-қиммат топадилар.

Янги йил эл саломатлиги жонқуялари учун ҳам янги муваффақиятлар, баракали олқишлар йилига айлансин! Устоз-шоғирд анъанаси асосида кексалар ёшларга бағриларини кенг очсинлар! Ёшлар уларнинг ортидан дадил юриб, муносиб издошларга айлансин!

Доиди САЙҲУН,  
"Шухрат" медали соҳибу.

## "АВАТАР" НАФАҚАТ КИНО НОМИ, БАЛКИ УЗУМ НАВИ ҲАМДИР

(Боши 1-саҳифада)

Ушбу узум нави сўнгги йилларда Марказий Осиё, Эрон, Россия, Тожикистон ва Украинада ҳам етиштириб келинмоқда. Юртимизда мазкур узум нави "Аватар" ёки "Киндик узум" номи билан таниш.

Экспортда бозори чаққон бу узум нави ГМО эмас, балки бир нечта винобоп ва хўраки узум навларининг чатишмаси – янги авлод навидир. Узум генетик жиҳатдан ўзгартирилмаган ва "эмбрионни қутқариш" деб номланувчи жараён орқали яратилган. Ушбу усул уруғлик эмбрионларини маданиятга муҳитда ривожланишига имкон беради, одатда уруғсиз нав ҳосил қилиш учун амалга оширилади.

Moop Drop яъни "Аватар" узумининг бир боши узунлиги ўртача 29 сантиметр ва кенлиги 16 сантиметр бўлиб, ҳар бир донасининг узунлиги 3-4 сантиметр ва диаметри 1-2 сантиметр атрофида бўлади. Ўзбекистоннинг



маҳаллий навларидан фарқи ўлароқ чўзилган, бир хил ва цилиндрсимон шаклга эга ва бир учиде чуқурча бор. Узумнинг силлиқ қобиғи, ярим қалин, ялтироқ ва таранг меваси ташиш

ва экспорт учун жуда қўлай саналади. Меваси шаффоф бинафша-яшил, уруғсиз ва бошқа навларга нисбатан ширинроқ, суви ва истеъмол учун ёқимлидир.

## ПАХТА ЕТИШТИРИШДА УРУҒЧИЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Алишер Шукров ўз навбатида, хорijdан юқори ҳосилдор хорижий гўза навлари ва дурагайлари олиб кириш ҳамда парвариллашда ҳар бир навага хос бўлган юқори самарадор агротехнологияларни қўллаш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан гўза навларини жойлаштиришда кафолатланган уруғ таъминотига мувофиқ эркинлик берилиши масалалари эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди.

Айтиш керак, мазкур қарорга мувофиқ, 2024-йил 1-январдан бошлаб Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ҳамда Президент ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши мутахассислари назорати остида тажриба-синов тариқасида юқори ҳосилдор хорижий гўза навлари ва дурагайлари олиб кириш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари тасарруфидоги пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизигача жойлаштиришга, истисно тариқасида рухсат берилиши белгиланган.

Шунингдек, йиғилишда ҳар бир вилоятда хорijdан уруғ олиб келишга кўмаклашиш бўйича Штаблар ташкил этиш ва бунда, Уруғчиликни ривожлантириш маркази, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (АКИС), Ўсимликлар карантини ва химояси агентликлари ходимларидан иборат Республика ишчи гуруҳи ташкил этилиб ҳар бир худудларга масъул ҳодим бириктириш, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигининг хорijdан уруғ олиб келувчилар томонидан карантин рухсатномасини олиш учун келиб тушган мурожаатларга қисқа муддатларда хулосалар




бериш чораларини кўриш бўйича масъулларга топшириқлар берилди.

Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши, шубҳасиз, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва замонавий тараққиётнинг янги

қирраларини ўзлаштиришга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ОБЪЕКТЛАРИГА РАҚАМЛИ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕНГ  
ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда инновацион технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тежамкор технологиялар, "Ақли сув" ҳисоблагичлар эвазига мавжуд ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунда бу борадаги вазифалар давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Президентимиз раислигида 2023 йил 29 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайитириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида сув хўжалигида "Каналларни бетонлаш бўйича зарбдор йил" эълон қилинганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида "Smart Water" ("Ақли сув") рақамли технологияси асосида сувнинг ҳисоби юритиладиган сув хўжалиги объектлари сони 18576 тагача етказилиши белгилаб қўйилган.

Ҳозирда Тошкент вилоятидаги мавжуд ирригация тармоқларининг 152 тасида "Ақли сув" сув ҳисоблагичлари ўрнатилган. Жорий йилда бу кўрсаткични беш юзтага

етказиш режалаштирилган. Айни кунларда Чирчиқ-Охангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидоги сув хўжалиги объектларига "Ақли сув" қурилмаларини ўрнатилиши бошлаб юборилди.

– Бу ускуна ёрдамида сувнинг кунлик ҳисобини инсон омилисиз аниқ ўлчаш мумкин, – дейди Чирчиқ-Охангарон ИТХБ бошлигининг биринчи ўринбосари Сардор Алимбеков. – Шу боис "Бўзсув", "Паркент-Қорасув" ҳамда "Охангарон-Далварзин" ирригация тизими бошқармалари томонидан 45 тадан, Оққўрғон, Охангарон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Пискент туманлари ирригация бўлиmlари ҳамда Тошкент магистрал канали бошқармаси томонидан 25 тадан, Бўстонлик, Зангиота, Қибрай ва Паркент туманлари ирригация бўлиmlари томонидан 20 тадан объектда "Ақли сув" ҳисоблагичлари ўрнатилди.

Чирчиқ-Охангарон ИТХБ матбуот хизмати



Сиз доимо ўзингизда заифлик сезасизми, тез чарчайсиз, терингиз эса оқариб кетгандек, рангпар тусга эга бўладими?

Эҳтимол, буларнинг барчаси камқонлик билан боғлиқдир. Бошқа кўплаб қон касалликларидан фарқли ўлароқ, камқонлик жуда кенг тарқалган: статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг чорак қисми анемиядан азият чекмоқда. Аксарият ҳолларда гап касалликнинг энгил шакллари ҳақида боради, улар баъзида соғлигингизга ва кайфиятингизга таҳдид солиши мумкин.

# КАМҚОНЛИК БИЛАН ҚАНДАЙ КУРАШИШ МУМКИН?

## КАМҚОНЛИК НИМА?

Камқонлик – қизил қон таначалари ёки улар таркибидagi гемоглобин миқдори камайганда юзага келадиган ҳолат. Ушбу ҳужайралар нафас олган кислородимизни танадаги барча тўқималар ва ҳужайраларга етказиш учун жавобгардир, шунинг учун камқонлик билан организм аста-секин “бўғила” бошлайди. Ҳар бир катта ёшли инсоннинг танасида тахминан 4-5 литр қон мавжуд, бу тана вазнининг 7 фоизи демакдир. Қон ўзининг асоси бўйича таркибидa тузлар, оксиллар, гормонлар бўлган суюқликдир, аммо унинг энг муҳим таркибий қисми қон ичида айланиб юрадиган ҳужайралардир. Ушбу ҳужайралар суюқ илгида ҳосил бўлади ва улар организм учун жуда муҳим. Эритроцитлар, яъни қизил қон таначаларининг ўзига ўлкадан чиқадиган кислородни танамизнинг барча тўқималарига етказиши ва шу билан нафас олишда қатнашади. Айнан улар таркибидagi темир қонни қизил рангга киритади. Камқонликнинг ривожланиши — қизил қон таначалари, уларнинг асосий таркибий қисми, кислородни олиб юрадиган гемоглобин оксилнинг миқдори камайиши билан боғлиқ. Қизил қон таначалари “сифатсиз” бўлиб қолади ва уларнинг функциялари, ҳатто қизил қон ҳужайралари сони ўзгармаса ҳам ишдан чиқади. Бироқ, эртами-кечми, организм камқонликка қарши туриши ва унинг оқибатларини яшириш учун сарф этиладиган кучини йўқотади. Бундай ҳолда, камқонлик белгилари пайдо бўлиши бошлайди.

## НИМА УЧУН КАМҚОНЛИК ПАЙДО БУЛАДИ?

Камқонликни даволаш учун уни келтириб чиқарган сабаб билан курашиш керак. Камқонликнинг асосий сабаби темир етишмаслиги. Бунинг сабаблари етарлича бўлиши мумкин, аммо уларнинг энг асосийлари қуйидагилардан иборат: овқат билан темирга бой маҳсулотларнинг етарли миқдорда истеъмол қилинмаслиги, темирнинг сўрилмаслиги ёки танадан ортиқча чиқарилиши, эҳтиёж ошиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кўп миқдорда темир гўшт, жигар, тухумда, кам миқдорда барра сабзавот ва



меваларда, қуритилган меваларда, дуккакли экинларда учрайди. Дўконларда сотиладиган ун ва у маҳсулотлари темир билан алоҳида бойитилган бўлади. Аммо инсоннинг темирни озиқ-овқатдан синдириш қобилияти кунига 1-1,5 миллиграммдан ошмайди. Айнан шунинг учун йўқотилган темир ўрнини дори воситалари ёки озиқ-овқат билан тўлдириш тез бажариладиган иш эмас, таъсир сезилиши учун ҳафтalar ва ойлар куттиш керак.

Ўз ҳаётини яшаб бўлган қизил қон ҳужайралари (улар 90-120 кун яшайди) таркибидagi темирнинг кўп қисми яна қайта ишлатилади. Нима учун темир танқислиги камқонлиги тез-тез учраб туради? Жавоб оддий – темирни йўқотиш ёки унга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, камқонликка юзак қараш туфайли шифокор тавсияларини охиригача бажармаслиқдир.

Анемиядан кўпинча аёллар азият чекади. Ахир, аёл танаси ҳар ой оз миқдордаги қон ва у билан биргалликда эритроцитлар гемоглобини сақловчи қимматли темирни йўқотади, унинг тикланиши бир ой муддатни талаб қилади. Ҳар қандай сурункали қон кетиши анемияга олиб келади: ошқозон яраси ёки ичакдаги ўсма, бавосир на-тижасида қон кетиши ва бошқа ҳолатлар. Айнан шу сабабли сурункали камқонлик ўсма хавфи катта бўлган кекса беморларда ташвиш уйғотади.

## КАМҚОНЛИКНИ ДАВОЛАШ

Камқонликни даволашнинг тўлиқ жараёни шифокор назорати остида ўтиши керак. Биринчидан, қизил қон таначалари ва гемоглобин миқдори хавфли паст кўрсаткичларга тушиб қолмаслиги учун эҳтиёт бўлиш керак. Иккинчидан, ички қон кетиши

каби ўта таҳликали камқонлик сабабини ўтказиб юбормаслик керак.

Темир танқис камқонлик темир моддаси юқори бўлган овқатларга ва ушбу металлни ўз ичига олган озиқ-овқат қўшимчаларига асосланган махсус парҳез, витамин-минерал комплекслари ва темир тутувчи препаратлар билан даволанади. Уларни қабул қилишнинг бир неча қоидалари бор. Кўплаб темир препаратлари меъдани безовта қилади, шунинг учун уларни озиқ-овқатдан кейин, куннинг биринчи ярмида қабул қилиш керак. Дориларнинг шифокор томонидан буюрилган ёки йўриқномада кўрсатилган дозалари ва режимига диққат билан амал қилинг!


Парҳезни ҳам узоқ вақт давом эттириш керак: бир неча ҳафта ва ойлар давомидa, ҳатто қизил қон таначалари ва гемоглобин миқдори нормал қийматларга қайтгандан кейин ҳам. Акс ҳолда, тақрорий камқонлик хавфи жуда катта. Камқонликни оғир шакллари қон ёки унинг шакли элементларини қуйишни талаб қилади.

## КАМҚОНЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ

Бошқа кўплаб касалликлар сингари, камқонликни даволашдан кўра олдини олиш осонроқ. Темир танқислиги камқонлигининг олдини олишда тўғри овқатланишнинг аҳамияти жуда катта. Темирга бой маҳсулотлар: жигар, қизил гўшт, денгиз маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни, қуритилган мевалар, ёнғоқлар, брокколи ва исмамоқ каби маҳсулотларни истеъмол қилиш зарур. Кундалик рационда темирга бойитилган нон маҳсулотларини қабул қилиш ҳам камқонликнинг олдини олади. Ёдда тутингки, С витамини темир сўрилишини рағбатлантиради. Баъзи маҳсулотлар эса, аксинча, бунга халақит беради. Масалан, сут, қаҳва ва чай. Шунинг учун уларни темир маҳсулотлари билан бирга истеъмол қилиб бўлмайди.

Ҳомиладорлик даврида сарфланган темир тикланиши учун 3 йил талаб этилади, бу ҳомиладорлик орасида танаффус бўлиши заруриятини кўрсатади. Ҳомиладорликдан аввал анемиянинг баргараф этилиши соғлом фарзанд туғилишига имкон беради. Шунингдек, ҳар йили умумий қон таҳлилига қон топириб, гемоглобин ва эритроцит миқдорини назорат қилиб бориш зарур. Шундай қилиб, камқонликнинг олдини олиш ва даволашнинг аҳамияти жуда катта. Камқонлик ҳаёт сифатини ёмонлаштириши ва одамни бошқа касалликларга кўпроқ мойил қилиши мумкин. Камқонликни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш давр талабидир.

Ф. ШОКИРОВА,  
ТТА катта ўқитувчиси.



## БИР КЕЧАДА ЙЎҚОТИЛАДИГАН НАРСАГА УМРИНГИЗНИ ТИКМАНГ!

Ёлғон, ўткнчи нарсалар – бойлик, мол-мулк ва унвон-мансаблар ортидан қувманг! Булар ўн йиллар давомида йўқотилган соғлигингиз, умрингиз ҳисобига орттирилади, аммо бир кечада мусодара қилиниши, олиб қўйилиши мумкин.

Кулфатдан кўрқманг ва бахтни кўпам интизор бўлиб кутманг, бириб бир кам дунёда яшаймиз. Совқотмаётган, очлик ич-ичингизни тирнамаётган бўлса, шунинг ўзи етарли... Умртқа суйингиз синмаган бўлса, икки оёқ, икки қўлингиз ишласа, кўзларингиз кўриб, қулоқларингиз эшитса, яна кимга ва нимага ҳасад қилишингиз мумкин? Бошқаларга ҳасад қилсак, энг аввало, ўз-ўзимизни еб, адоий қон қиламиз. Кўзингизни каттароқ очинг, қалбингизни покланг ва ким сизни ўзига яқин олса ва яхши кўрса ўшаларнинг қадрига етинг! Уларни хафа қилманг, урушманг, ҳеч ким билан жанжаллашиб, ажрашиб кетманг! Ахир, айнан худди шу жанжал сизнинг бу ҳаётдаги энг охиригиз ишингиз бўлиши ва одамлар хотирасида бир умр шу тахлит қолишингиз мумкин.

Александр СОЛЖЕНИЦЫН, ёзувчи, Нобель мукофоти лауреати.

## ОГОҲЛИК БОНГИ

Кўхна дунё, кўхна тарих мазийинга бўйлайман,  
Қанча аср, йиллар кечди?  
Зохирингда билмайман.

Кимлар келди, кимлар кетди.  
Яшаб умрин нелар бешди.  
Барчасини тарих айтди.  
Ўқдим, ҳайрон бўлмайман.

Сени роса таладилар,  
Урушга ўт қаладилар.  
Ҳонавайрон айладилар,  
Юзин қора қилгайман.

Ёмонлардан доғлар қолди,  
Қасофати номин олди.  
Хунрезликдан дунё толди,  
Қачон тугар сўргаёйман!

Фалак узра битта шармиз,  
Унда барчамиз яшармиз.  
Бу ҳолдан бир кун қақшармиз.  
Ўйлаб қалбим тилгайман.

Қурол, бомба кимга керак?  
Кучсиз халқни қилманг эрмак.  
Дунё аҳли туринг сергак,  
Огоҳлик бонгин чалгайман.

Ким оқтанли, кимдир хабаши,  
Ахир инсон-сўз мурдобаши.  
Эзу-мақсад бўлса яққаш,  
Олам зулстон дегайман.

Ижозат эт танҳо Тангрим,  
Урушлардан куйди бағрим,  
Қалам олдим қолмай сабрим,  
Тингланг, мурожаат этгайман!

Жаҳон аҳли бир тан бўлинг,  
Кеч бўлмасдан кўррак кериңг.  
Қани, қўлни қўлга беринг,  
Сафнинг бошида тургайман.

Янги йилда олам қулсин,  
Барча шодон даврон сурсин.  
Ҳар кун тўй-у, байрам бўлсин  
Қулуг ниятни қилгайман.

Равшанбек Мирзаолимов,  
“Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби.

Аллоҳ таоло ҳар бир амалда инсонга бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фойда келтирадиган нарсани ҳалол, бунинг аксини эса ҳаром қилди. Аллоҳ таолодан ва охиратидан умиди бор киши ҳалолни қилиб, ҳаромдан ҳазар қилиши керак, яъни шариат буюрган ишни қилиб, қайтарган ишдан сақланмоғи лозим. Ана шундай ҳаром ишлардан бири сеҳрдир. Сеҳргарлик Сулаймон алайҳиссалом даврларида ўта авж олган. Бу ҳақда Куръон каримнинг Бақара сураси 102-103-оятлари орқали қаттиқ огоҳлантиради: “...Сулаймон кофир бўлмади, лекин одамларга сеҳр (жоду)ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир бўлдилар. ...Уни (Аллоҳ китобини сеҳрга) алмашганларга охиратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз (насиба)ларини қанчалик ёмон нарсга сотиб юборганларини билсалар эди!”

## ИЛМИ-АМАЛ ВА СЕҲР-ЖОДУДАН САҚЛАНАЙЛИК!

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам “Ким фолбин ёки бахшига ишонса, Муҳаммадга нозил қилинган Куръонга кофир бўлибди”, деганлар. Охиратини ўйлаган инсон бу оят ва ҳадисни ўқиса ва эшитса, уни ўз яқинларига, оилаларига етказишлиги вожиб ҳисобланади. Шунда динимиз ривожланади, оилимизда барака бўлади ва энг асосийси, охирати обод бўлади. Осилада эр ва хотин ўртасида озгина келишмовчилик, низолар юзага келса аёлларнинг охиратини ўйламай, диний томондан никоҳига ва иймонига путур етказаетганидан беҳабар, эрмани иситаман, деган ниятда келадиги худобехабар фолбин, бахшлар ҳузурига боришининг ҳали ҳам йўқ бўлмагани ачинарли ҳол. Мана шундай замонда, масжидлар, маҳалларда мадраса кўрган аҳли илмлар, олимлар олдида бориб, диний томондан икки дунёнингизга фойдали маслаҳатлар олиш ўрнига фолбин, бахшларга бориш катта жоҳиллик ҳисобла-

нади. Энг ёмон томони, аёлининг фолбин ёки бахшига борганидан хабири йўқ эр билан никоҳи кўтарилган ҳолда яшаб, ўртада фарзанд дунёга келса, бундай фарзанддан келажакда нима умид қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам сеҳрни ҳалок қилувчи гуноҳи кабиралардан санаган. Яна бир ҳадисларида 7 та ҳалок қилувчи нарсалардан сақланинг деган бўлсалар, шунинг бири ҳам сеҳрдир. Шу асосларга биноан улаомларимиз сеҳрни ҳаром амаллардан санаганлар. Сеҳр, “иссиқ-совуқ” қилувчи ҳам, сеҳр-жодудан кўмак истаб борувчи ҳам гуноҳда тенгдирлар. Маҳалламизда ёки қариндошлар орасиди шу йўлни ўзига лозим тутиб юрган инсонлар бўлса, албатта, шунинг куйиб, иймонсиз кетиб қолишиги мумкинлигини эслатишимиз керак. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳадисларида:

“Сеҳрга борган мўмин жаннатга кирмайди”, дея огоҳлантирадилар. Яна бир жиҳатни таъкидлаш керак. Аслида, сеҳр қилувчилар бировга душманчилик учун қиладилар. Билсинларки, Аллоҳ таоло Куръонда марҳамат қилади: “... Ерда бузғунчилик қилишни истам! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас...” (Қасас, 77).

Хўш, сеҳр, “иссиқ-совуқ” яхшилик умидида қилинса-чи? Барибир, унинг яхши-ю ёмони бир ҳил. Сеҳрни аксарият кишилар ҳасаддан қилишади. Бировнинг неъматига ҳасад билан душманчилик қилганингизда унинг бойлиги сизга ўтиб қолармиди? Йўқ, асло. Ёки бировга иссиқ-совуқ қилганингизда у бечора қийналас, тавба қилмаса, охираги куйиб, иймонсиз кетиб қолишиги мумкинлигини эслатишимиз керак. Шундай экан, ҳасадни ҳавасга айлантирайлик!



Мана шу оят ва ҳадисларни ўқиб, тушунган одам сеҳр қилмайди ҳам, сеҳрга бормади ҳам. Инсон кўпроқ бир инсонни ёмон кўрса, ёқтирмаса, қалбида душманлиги бўлса шу йўлдан фойдаланишга ўтади. Ваҳоланки, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам бунга буюрмаганлар. Устозларимиз сен бир одамни сенга душманчилигини сезсанг ҳам қаргамагин, ҳаққига дуо қил ва Аллоҳ таолодан инсоф сўра. Сен бир инсонни қаргасанг, қарғиш ҳақ бўлса, тегади, ноҳақ бўлса, ўзингга қайтади, дер эдилар. Саҳобалар бизларга бу йўналишда ҳам ибрат бўлганлар. Агар бирор нарсаларини бирор киши ўғирлаб кетса, шундай дер эканлар: “Эй Роббим! Агар менинг шу нарсамни ўғирлаган инсон шу нарсга

муҳтож бўлиб олган бўла, шу нарсамни унга баракотлик қилгин, дер, бордини шу нарсамни шайтоннинг ёки нафсининг гапига кириб ўғирлаган бўлсалар, бу ўғирлаган нарсани у инсоннинг энг охиригиз гуноҳи бўлсин!”, дея дуо қилганлар. Биз нима деймиз, кўпинча озғимизга келган сўзимизни қайтармай, қаргаб ташлаймиз. Аллоҳ ҳаммамизга инсоф-тавфиқ бериб, бир-биримизга қўлдан келганча яхшилик улашайлик, одамларни ёмонликлардан қайтарайлик! Ана шунда мўминликка хос иш қилган бўламыз ва икки дунё саодатига эришамиз.

Муҳаммадшокир  
БОБОХУЖАЕВ,  
Норин туманидаги  
“Умархўжа эшон”  
жомеъ масжиди имом хатиби.

## Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi

ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Махмуд ТОИР,

Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),

Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Ҳажми 2 босма табоқ. Ғофет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-117. 2370 нускада chop этилди.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

Таҳририят манзили: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Унiversитет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-470, 99-050-69-45.

Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru. Баҳоши келишилган нархда.

Газета “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Босмаҳона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топшириш вақти: 18.00